

## Бақара сураси, 176-оят

08:30 / 14.01.2018 3960

**Бу, албатта, Аллоҳ Китобни ҳақ ила нозил қилгани учундир. Китоб хусусида ихтилоф қилганлар эса тубсиз муҳолифликдадирлар.**

*Бақара 176.*

Қўлларидаги ҳидоят ва мағфиратни бой бериб, қаттиқ азобга дучор бўлишларининг сабаби:

**«Аллоҳ Китобни ҳақ ила нозил қилгани учундир»**, улар ўша Китобни тан олмадилар. Ҳолбуки, бу ҳақ Китобга амал қилиб, бахт-саодатда яшасалар бўлар эди. Аммо улар Аллоҳнинг Китоби хусусида ихтилоф қилдилар, тубсиз талашув ва туганмас ихтилоф гирдобига тушиб қолдилар. Оқибатда мазкур азобларга дучор бўлдилар. Ҳа,

**«Китоб хусусида ихтилоф қилганлар эса тубсиз муҳолифликдадирлар».**

Аллоҳнинг Китоби ҳақида ихтилоф қилган ҳар бир умматнинг ҳоли шундай бўлади.